соат 14.30-15.30

# СЕССИЯ 3

# Меҳнат шартномаларини тузишда дискриминацияга йўл қўймаслик масалалари

Янги МК бўйича гендерга оид ҳуқуқларга риоя этган ҳолда ишга жойлаштириш (хотин-қизлар, эркаклар, ногиронлиги белгиланган шахслар, вояга етмаганлар ва б.)

Nodira Gaibnazarova

# Қандай талаблар камситувчи талаблар ҳисобланади?

Nodira Gaibnazarova

# Халқаро ҳуқуқда камситиш тушунчаси

**«Камситиш» атамаси қуйидагиларни ўз ичига олади:**

- Ирқ, тана ранги, жинс, дин, сиёсий қарашлар, миллий мансублик ёки ижтимоий келиб чиқиш белгилари асосидаги, меҳнат ёки иш турлари соҳасидаги муомала ёки имкониятлар тенглигининг йўқолишига ёки путур етказилишига олиб келувчи ҳар қандай фарқлаш, йўл қўймаслик ёки устун қўйиш;

- Ташкилотнинг тегишли аъзоси томонидан белгиланиши мумкин бўлган бошқа, меҳнат ёки иш турлари соҳасидаги муомала ёки имкониятлар тенглигининг йўқолишига ёки путур етказилишига олиб келувчи ва албатта иш берувчи ва меҳнаткашларнинг тегишли ташкилотлари билан (агар бундай ташкилотлар мавжуд бўлса албатта) ва бошқа тегишли органлар билан маслаҳатлашган ҳолда фарқлаш, йўл қўймаслик ёки устун қўйиш.

Nodira Gaibnazarova

# Янги МК бўйича камситиш тушунчаси

**Жинси, ёши, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкий ҳолати** ва **мансаб мавқеи, яшаш жойи, динга бўлган муносабати, эътиқоди**, жамоат бирлашмаларига мансублиги, шунингдек ходимларнинг **ишчанлик сифатлари ва меҳнати натижалари билан боғлиқ бўлмаган** бошқа жиҳатларига қараб меҳнат ва машғулотлар соҳасида бирор-бир тўғридан-тўғри ёки билвосита чекловлар белгилаш - камситишдир.



Nodira Gaibnazarova

# Ишга қабул қилишда камситувчи талабларга мисоллар

Ёши, жинси, ташқи кўриниши бўйича: «25 ёшгача бўлган ёқимли ташқи кўринишга эга бўлган қизни ишга қабул қиламиз», «фотосурат бўлмаган резюме кўрилмайди»

Яшаш жойи бўйича: «Чилонзор туманида яшовчи ходимлар керак»

Оилавий аҳволига кўра: «ёш болаларсиз», «турмушга чиққан», «фақат оилалиларга»

Ирқи, ранги, миллати бўйича: «асосан ЎзР фуқаролари», «миллати: рус / ўзбек»



Nodira Gaibnazarova

# Ишдаги камситиш мисоллари

- Гендер куч ишлатиш ва таъқиб қилиш
- Бир хил қийматга эга меҳнат учун эркаклар ва аёлларга ҳар хил ҳақ тўлаш
- Ишлаш жойида гендер, ирқий, миллий ёки бошқа белги бўйича чидаб бўлмайдиган муҳитни яратиш
- Гендер, ирқий, миллий ёки бошқа белгилар бўйича тақдим этиладиган имтиёзлар



Nodira Gaibnazarova

**Савол:** Меҳнат муносабатлари қандай ҳуқуқий тартибга солинади?

*Тингловчиларнинг жавоблари ва тренер изоҳлари*

***5-7 дақиқа***

Nodira Gaibnazarova

# Ишга қабул қилиш

Nodira Gaibnazarova

# Ишга қабул қилиш ёши

## 16 ёшдан

**Мустақил ишга жойлашиш мумкин (18 ёшгача зарарли ва оғир меҳнат шароитида, хусусан, пахта терувчи сифатида ишлаш мумкин эмас)***

## 15 ёшдан

**Ота - онадан бирининг (ота - онасининг ўрнини босувчи шахснинг) ёзма розилиги билан ўсмирнинг соғлиғига ҳамда маънавий камол топишига зиён етказмайдиган, ўқитиш жараёнини бузмайдиган енгил меҳнатни бажариши учун**

**Агар иш берувчи вояга етмаган шахс меҳнатидан унинг соғлиғига, хавфсизлигига ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган ишларда фойдаланса, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин** ***(МЖтК 49-1-моддаси ва ЖК 148-1-моддаси).***

****Вазирлар Маҳкамасининг 290-сон қарори, 14.07.2023***

Nodira Gaibnazarova

# Ишга қабул қилиш босқичлари

Таништириш тартиб-таомили

Меҳнат шартномаси шартлари бўйича тарафларнинг келишувга эришиши ҳамда шартномани ходим ва иш берувчи томонидан имзолаш

Ишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ қабул қилишни ҳамда маълумотларни ходимнинг меҳнат дафтарчасига ва «Ягона миллий меҳнат тизимига киритиш»



Nodira Gaibnazarova

# Таништириш тартиб-таомили

Меҳнат шартномасини имзолашга қадар
**ходимни қуйидагилар билан таништиринг:**

ташкилотда у нима қилиши билан (**ишнинг мазмуни, лавозим йўриқномаси** в.ҳ.)

ички меҳнат тартиби қоидалари, жамоа шартномаси, талабгорнинг меҳнат фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа ички ҳужжатлар билан

иш бажариладиган **меҳнат шароитлари** билан

*Барча ҳужжатлар билан имзо қўйдирган ҳолда* ***таништиринг.*** *Ҳар доим шахсдан (талабгордан, ходимдан) нафақат имзо қўйишини, балки* ***фамилияси, исми, отасининг исмини қўлда ёзишини сўраган маъқул.***

Nodira Gaibnazarova

# Таништириш тартиб-таомили

## Суҳбат ёки танлов

Ходимни танлаб олиш мақсадида иш берувчи суҳбат ёки танлов (танлов ҳақида камида 7 кун олдин хабардор қилган ҳолда) ўтказишга ҳақли

Ишга қабул қилиш чоғида ишга кираётган шахс олдиндан (**меҳнат шартномаси имзолангунига қадар**):

иш берувчига ишга қабул қилиш чоғида талаб этиладиган **ҳужжатларни тақдим этиши;**

иш берувчи томонидан ишга қабул қилишда ўтказиладиган **суҳбатда ёки танловда иштирок этиши шарт.**

*Nodira Gaibnazarova*

# Ишга қабул қилиш чоғида талаб этиладиган ҳужжатлар ва меҳнат дафтарчаларини юритиш (ЯММТ)

Nodira Gaibnazarova

# Меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш манбалари

## Ишга қабул қилиш чоғида ишга кираётган шахс қуйидаги <u>ҳужжатларни тақдим этади:</u>

| Шахслар тоифаси / Ҳужжат тури | Оддий ходим | Биринчи марта ишга кираётган шахс | 16 ёшга тўлмаган шахс | 18 ёшга тўлмаган шахс | ўриндош | Чет эл фуқароси-ходим | Ногиронлиги бўлган ходим |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Паспорт, ID карта | ✓ | ✓ | | ✓ | ✓ | ✓ | ✓ |
| Туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома | | | ✓ | | | | |
| Меҳнат дафтарчаси ёки электрон шаклидагисидан кўчирма | ✓ | | ✓ | ✓ | | | ✓ |
| Асосий иш жойидан маълумотнома | | | | | ✓ | | |
| ЖШШИР | ✓ | ✓ | ✓ | ✓ | ✓ | ✓ | ✓ |
| Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси | ✓ | | ✓ | ✓ | ✓ | | ✓ |
| Ҳарбий гувоҳнома ёки ҳарбий ҳисобда турганлик ҳақидаги гувоҳнома | ✓ | ✓ | ✓ | ✓ | ✓ | | ✓ |
| Таълим ҳақида ҳужжат | ✓ | ✓ | | | ✓ | ✓ | ✓ |
| №086/у шаклдаги маълумотнома | | | ✓ | ✓ | | | ✓ |

Nodira Gaibnazarova

# Меҳнат дафтарчаларини юритиш (ЯММТ)

**Меҳнат дафтарчаси**

- ходимнинг меҳнат стажини тасдиқловчи асосий ҳужжат,
- меҳнат фаолияти тўғрисидаги верификация қилинган маълумотларни ўз ичига олган,

**Электрон шаклдаги меҳнат дафтарчаси «Ягона миллий меҳнат тизими» автоматик режимда шакллантирилади:**

меҳнат шартномасини рўйхатга олиш ва тузиш чоғида;

унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш чоғида;

меҳнат шартномасини бекор қилиш чоғида

Иш берувчи (бундан жисмоний шахслар бўлган иш берувчилар мустасно) ташкилотда **5** кундан ортиқ ишлаган барча ходимлар учун меҳнат дафтарчаларини юритиши шарт.

Nodira Gaibnazarova

# Меҳнат шартномаси

Nodira Gaibnazarova

# Меҳнат шартномасининг шартлари

МАЖБУРИЙ

ҚЎШИМЧА

ҲАҚИҚИЙ ЭМАС



# Меҳнат шартномасининг шартлари

**МАЖБУРИЙ ШАРТЛАР:**

- иш жойи;
- меҳнат функцияси;
- ишнинг бошланиш санаси;
- меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари;
- меҳнат шартномасининг муддати;
- иш вақти ва дам олиш вақти режими;
- иш учун кафолатлар ва компенсациялар;
- зарур ҳолларда ишнинг моҳиятини белгиловчи шартлар.

Nodira Gaibnazarova

# Меҳнат шартномасининг шартлари

**ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР:**

- иш жойини аниқлаштириш тўғрисида ва (ёки) ишлаш жойи тўғрисида;
- ишга киришда дастлабки синов тўғрисида;
- бир неча касблар (лавозимларда) ишлаш тўғрисида;
- давлат сирларини ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирларни ошкор қилмаслик тўғрисида;
- ходимнинг ўқишдан кейин ишлаш мажбурияти тўғрисида;
- ходимларни қўшимча суғурта қилиш турлари ва шартлари тўғрисида;
- ходимга тақдим этилган ижтимоий ва турмуш шароитлари тўғрисида;
- ходим ва иш берувчининг меҳнат қонунчилиги ва меҳнат тўғрисидаги бошқа ҳуқуқий
- ҳужжатларда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаштириш тўғрисида.

Nodira Gaibnazarova

# Меҳнат шартномасининг шартлари

**Қуйидаги шартлар меҳнат шартномасининг мазмунига киритилмаслиги лозим, агар улар киритилган бўлса, ҳақиқий эмас деб ҳисобланади:**

- ходимнинг ҳолатини меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка ва меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан ёмонлаштирадиган
- ходимни қонунга хилоф ҳаракатларни ёки ҳам ходимнинг, ҳам бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузадиган, ҳаёти ва соғлиғига таҳдид соладиган, шаънига, қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказадиган ҳаракатларни амалга оширишга мажбурлайдиган
- меҳнат ва машғулотлар соҳасида камситишни тақиқлаш тўғрисидаги талабларни бузадиган
- мажбурий меҳнатни тақиқлаш ҳақидаги талабларни бузадиган

Nodira Gaibnazarova

# Меҳнат шартномасининг шакли ва реквизитлари

Nodira Gaibnazarova

# Меҳнат шартномасининг шакли ва реквизитлари

1. Меҳнат шартномаси бир хил кучга эга бўлган камида 2 нусхада ёзма шаклда тузилиб, уларнинг ҳар бири тарафлар томонидан имзоланади

2. Меҳнат шартномасининг ҳар бир нусхаси ходимнинг ва ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахснинг имзолари билан мустаҳкамланади

3. Иш берувчида муҳр мавжуд бўлган тақдирда мансабдор шахснинг меҳнат шартномасининг барча нусхаларидаги имзоси муҳр билан тасдиқланади.

4. Меҳнат шартномасининг нусхаси ходим томонидан олинганлиги иш берувчида сақланадиган меҳнат шартномаси нусхасидаги ходим меҳнат шартномасининг нусхасини олганлиги тўғрисидаги алоҳида имзоси билан тасдиқланади.

**Эътибор беринг**

Меҳнат шартномасини ЭРИ қўллаган ҳолда электрон шаклда тузиш мумкин

Nodira Gaibnazarova

# Ходим ва иш берувчининг меҳнат шартномасидаги реквизитлари

**ИШ БЕРУВЧИ**

- иш берувчининг номи;
- иш берувчининг меҳнат шартномасини имзолаган вакили ҳақидаги маълумотлар ва вакилга тегишли ваколатлар берилганлигининг асоси;
- жойлашган ери (почта манзили);
- СТИР;
- банк реквизитлари;
- алоқа маълумотлари.

**ХОДИМ**

- фамилияси, исми ва отасининг исми;
- паспорт маълумотлари (ID-карта);
- Яшаш / турган жойининг манзили ва алоқа маълумотлари;
- СТИР;
- ЖШШИР;
- ШЖБПҲ.




Nodira Gaibnazarova

# Муддатли меҳнат шартномалари

Nodira Gaibnazarova

# Меҳнат шартномасининг муддати

Номуайян муддатга

Меҳнат шартномаси тузилиши мумкин

3 йилдан кўп бўлмаган муайян муддатга (муддатли меҳнат шартномаси)

Агар меҳнат шартномасида унинг амал қилиш муддати шартлашилмаган бўлса, шартнома номуайян муддатга тузилган деб ҳисобланади.

Nodira Gaibnazarova

# Муддатли меҳнат шартномаларини тузиш учун асослар



1. Муддатли меҳнат шартномаси мажбурий тартибда тузилиши лозим бўлган асослар
2. Муддатли меҳнат шартномаси тарафларнинг келишувига асосан тузилиши мумкин бўлган асослар

Nodira Gaibnazarova

# Ходим билан муддатли меҳнат шартномаси тузилиши лозим бўлган ҳоллар

- иш жойи ўзида сақланиб қоладиган, **йўқ бўлган ходимнинг мажбуриятларини бажариш** вақти учун;
- **вақтинчалик** (**2** ойгача) **ишларни** бажариш вақти учун;
- **мавсумий ишларни** бажариш учун;
- **иш берувчининг одатдаги фаолияти доирасидан ташқарига чиқадиган ишларни**, шунингдек ишлаб чиқаришни ёки ишлар ҳажмини олдиндан маълум бўлган вақтинчалик (**1** йилгача) кенгайтириш билан боғлиқ ишларни бажариш учун;
- таъсис ҳужжатларига биноан **олдиндан белгиланган муддатга ташкил этилган** ташкилотларга **ишга** кираётган шахслар билан;

Nodira Gaibnazarova

# Ходим билан муддатли меҳнат шартномаси тузилиши лозим бўлган ҳоллар

- муддатли хусусиятга эга бўлган, олдиндан белгиланган ишларни бажариш учун қабул қилинадиган шахслар билан;
- **ишлаб чиқаришда ўқитиш шартномаси** билан бевосита боғлиқ бўлган ишларни бажариш, ҳақ тўланадиган ишлаб чиқариш **амалиётини** ёки **стажировкани** ўташ учун;
- меҳнат органлари томонидан **вақтинчалик хусусиятга эга бўлган** ишларга ёки **ҳақ тўланадиган жамоат ишларига** юборилган шахслар билан;
- **муқобил хизматни** ўташ учун юборилган фуқаролар билан;
- Ўзбекистон Республикасига унинг ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун қонуний равишда кириб келган **чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар билан**

Nodira Gaibnazarova

## Ходим билан муддатли меҳнат шартномаси тузилиши МУМКИН бўлган ҳоллар

| |
|---|
| микрофирмалар ёхуд ЯТТ бўлган иш берувчиларга ишга кираётган шахслар билан; |
| жисмоний шахслар бўлган иш берувчиларга шахсий хизмат кўрсатиш ва уй хўжалигини юритиш бўйича ёрдам бериш мақсадида ишга кираётган шахслар билан; |
| чўлдаги, баланд тоғли, аҳолиси кам бўлган туманларда жойлашган ташкилотларга ишга кираётган шахслар билан, агар бу иш жойига кўчиб ўтиш билан боғлиқ бўлса; |
| ҳалокатлар, авариялар, бахтсиз ҳодисалар, эпидемиялар, эпизоотияларнинг олдини олиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган ишларни амалга ошириш, шунингдек ушбу ва бошқа фавқулодда вазиятларнинг оқибатларини бартараф этиш учун; |

# Ходим билан муддатли меҳнат шартномаси тузилиши МУМКИН бўлган ҳоллар

| |
|---|
| ОАВ, кинематография ташкилотлари, тетрлар, театр ва концерт ташкилотлари, циркларнинг ижодий ходимлари ва асарларни яратишда ва (ёки) ижро этишда (намойиш этишда) иштирок этувчи бошқа шахслар билан; |
| ташкилотларнинг раҳбарлари, раҳбар ўринбосарлари ва бош бухгалтерлари, шунингдек улар алоҳида бўлинмаларнинг раҳбарлари билан; |
| кундузги ўқитиш шакли бўйича таълим олаётган шахслар билан; |
| ўриндошлик асосида ишга кираётган шахслар билан; |

Nodira Gaibnazarova

# Мавсумий ходимлар

Иқлим ва бошқа табиий шароитлар туфайли муайян давр (мавсум) давомида бажариладиган ишлар мавсумий ишлардир.

Мавсумий ишларнинг давомийлиги, қоида тариқасида, олти ойдан ошмаслиги керак.

Мавсумий ходимларни ишга қабул қилиш чоғида синов муддати белгиланмайди.

Мавсумий ходимлар ишнинг ҳар бир ойи учун камида 2 календарь кун ҳисобидан ҳақ тўланадиган меҳнат таътили олиш ҳуқуқига эга.

Мавсумий ишларнинг рўйхатлари ва мазкур айрим мавсумий ишларнинг энг кўп давомийлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссияси билан келишилган ҳолда белгиланади.



Nodira Gaibnazarova

# Вақтинчалик ходимлар

2 ойгача бўлган муддатга ишга қабул қилинган шахслар вақтинчалик ишларда банд бўлган шахслардир (бундан буён - вақтинчалик ходимлар).

Вақтинчалик ходимларни ишга қабул қилиш чоғида дастлабки синов белгиланмайди.

Вақтинчалик ходимлар ишнинг ҳар бир ойи учун камида **2** календарь кун ҳисобидан ҳақ тўланадиган меҳнат таътили олиш ҳуқуқига эга.

Дам олиш кунларидаги ва ишланмайдиган байрамлар кунларидаги иш камида икки ҳисса миқдорида пул шаклида компенсация қилинади.

Nodira Gaibnazarova

# Ишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиқариш

Nodira Gaibnazarova

# Ишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ

Буйруқ чиқариш учун асос – тузилган **меҳнат шартномаси**

Буйруқнинг мазмуни меҳнат шартномасининг шартларига мувофиқ бўлиши керак

Буйруқ ходимга иш ҳақиқатан бошланган кундан эътиборан **уч кунлик муддатда, имзо қўйдириб эълон қилинади**

Ходимнинг талабига кўра иш берувчи унга мазкур буйруқнинг **кўчирма нусхасини бериши шарт**

Nodira Gaibnazarova

# Ишга қабул қилиш тўғрисидаги ёзув



- Иш берувчи ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқ асосида **<u>ходимнинг меҳнат дафтарчасига ишга қабул қилиш тўғрисидаги ёзувни қайд этади,</u>** ходим ушбу ёзув билан **<u>3</u>** <u>кун ичида таништирилиши керак.</u>



- Иш берувчи ишга қабул қилиш ҳақидаги маълумотларни **<u>«Ягона миллий меҳнат тизимига»</u>** ҳам киритади.



| NN | Дата | | | Сведения о приеме на работу, о переводах на другую работу и об увольнении | На основании чего внесена запись (документ, его дата и номер) |
|---|---|---|---|---|---|
| | год | день | месяц | | |
| 1 | | 2 | | 3 | 4 |
| | | | | Общество с ограниченной ответственностью "ABC Travel". | |
| 5 | 2010 | 10 | 01 | Принят на должность старшего финансового аналитика. | Приказ N 15 от 10.01.2010 г. |
| 6 | 2010 | 01 | 05 | Принят в общество с ограниченной ответственностью "TOUR Travel" на должность бухгалтера расчетного отдела по совместительству | Приказ N 505 от 01.08.2010 г. |




Nodira Gaibnazarova